



2015 у.г. "14" апрел

№ 477-К Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Низомов Шавкатга музлатгич омборхонаси ва бетон блок ишлаб  
чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 февралдаги 63-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 23 февралдаги 174-сонли хулосаси, "Қишлоққурилишлойиха" институтининг 2015 йил 03 февралдаги 02-15/21-53-сонли хулосаси ҳамда фуқаро Низомов Шавкатнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 февралдаги 63-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. МЧ "Гулбод-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 430 контуридан Фуқаро Низомов Шавкатга музлатгич омборхонаси ва бетон блок ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,6 га (шундан: 0,6 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очиллов)га топширилсин.

4. Музлатгич омборхонаси ва бетон блок ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Ш. Низомовга топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Курбонов зиммасига юклансин.



Туман ҳокими

Б. Кадиров